

Ёлғон гап айтиш - гуноҳи кабира



19:40 / 02.06.2019 3347

Гуноҳи кабира катта гуноҳ деган маънони англатади. Гуноҳи кабира - уни қилган одамга Қуръон ёки ҳадисда дўзахга кириш тайин қилинган гуноҳлар, шариатда ҳаддни жорий этишни тақозо қиладиган гуноҳлар, Аллоҳ таоло ман қилган ҳар бир иш. Аллоҳга ширк келтириш, одам ўлдириш, ота-онага оқ бўлиш, зино, ўғрилиқ, ароқхўрлик, ёлғон гапириш кабилар гуноҳи кабиралардир.

Абдурраҳмон ибн Абу Бакрадан, у отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уч марта:

«Сизларга гуноҳи кабираларнинг энг катталарини айтайми?» дедилар.

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди.

«Аллоҳга ширк келтириш. Ота-онага оқ бўлиш», дедилар. Сўнг ёнбошлаб ётган эдилар, ўтириб олдилар ва: «Огоҳ бўлинглар, ва ёлғон гап!» дедилар.

Бу гапни қайта-қайта такрорлайвердилар, ҳатто «Сукут қилсайдилар», дедим».

Бухорий ривоят қилган.

Демак, киши Аллоҳга ширк келтиришдан қанчалик қўрқса, ота-онага оқ бўлишдан ҳам шунчалик қўрқиши ва ёлғон гап, тўқима бўҳтонлардан ҳам шунчалик даражада эҳтиёт бўлиши лозим экан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисда энг катта гуноҳлар ҳақида хабар бермоқдалар. Ана шу учта катта гуноҳнинг бири ёлғон гап экан.

Имрон ибн Ҳусойндан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Зино, ароқхўрлик, ўғрилик ҳақида нима дейсизлар?» дедилар.

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчи», дедик.

«Булар фаҳш ишлардир. Уларнинг уқубати бор. Сизларга гуноҳи кабираларнинг каттасини айтиб берайми? Аллоҳга ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш, - дедилар-да, ёнбошлаб ётган эдилар, ўринларидан туриб ўтирдилар ва: - Ёлғон гап айтиш», дедилар».

Бу ерда Аллоҳга ширк келтиришдек ҳеч кечириб бўлмас бир гуноҳи азимдан кейинги ўринда ота-онага оқ бўлиш ҳам гуноҳи кабира экани таъкидлаб келтирилган. Бу икки гуноҳни баён қилаётганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнбошлаб ётган бўлганлар. Учинчи гуноҳ - ёлғонни айтишдан олдин ўринларидан туриб ўтирдилар ва: «Ёлғон гап айтиш», дедилар. Бу эса ёлғон ўзидан аввалги икки гуноҳи кабирадан ҳам каттароқ эканини кўрсатади.

Ҳар бир мўмин-мусулмон учун Аллоҳ таолога ширк келтириш қанчалик қўрқинчли иш бўлса, ота-онага оқ бўлиш қанчалик қўрқинчли иш бўлса, ёлғон гапириш ҳам худди шундай қўрқадиган иш бўлиши керак экан.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Зино, ароқхўрлик ва ўғрилик фаҳш ишлардан бўлиб, уларнинг уқубати борлиги.
2. Аллоҳ таолога ширк келтириш катта гуноҳларнинг каттаси экани.
3. Ота-онага оқ бўлиш катта гуноҳларнинг каттаси экани.
4. Ёлғон гап айтиш катта гуноҳларнинг каттаси экани.

“Ёлғон” китобидан